

Хабар

44

(945)-son

29-oktabr

www.xabar.uz
info@xabar.uz
xabar@uzpak.uz

2010

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

Соҳа корхоналари Ўзбекистон саноати ярмаркасида

“Ўзэкспомарказ” павилионлари-
да IV Халқаро саноат ярмаркаси ва
Кооперацион биржа ўтказилмоқда.

Ўзбекистон саноатчиларининг
мазкур форуми Президентимиз
Ислом Каримовнинг 2007 йил 12
ноябрда қабул қилинган “Ички
тармоқ ва тармоқлараро саноат ко-
операциясини янада кучайтириш
чора-тадбирлари тўғрисида”ги фар-
мони ижросини таъминлаш доира-
сида ҳамда 2010 йил 23 мартда им-
золанган “2010 йилда саноат коо-
перацияси асосида тайёр маҳсулот-
лар, бутловчи буюмлар ва матери-
аллар ишлаб чиқаришни маҳаллий-
лаштириш Дастури тўғрисида”ги
қарорига мувофиқ ўтказилмоқда.

Кўргазмада мамлакатимизнинг
715 корхонаси (аввалги саноат яр-
маркасида 378) ва Германия, Ита-
лия, Буюк Британия, Латвия, Жа-
нубий Корея, Хитой, Полша, Рос-
сия, Туркия каби дунёнинг 51 дав-
латидан хорижий компания ҳамда
ташкilotларнинг 650 нафардан
ортиқ вакили иштирок этмоқда.
Шулар қаторида алоқа ва ахборот-
лаштириш тизимидаги корхона ва
ташкilotлар ҳам ўз хизмат ва маҳ-
сулотларини намойиш этишмоқда.

5-бет

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI



Алоқа оламида:

Сўнги янгилик!

Шахсий компьютерлар учун мўлжалланган
Windows 8 амалиёт тизими 2012 йил охирла-
рига бориб фойдаланувчиларга етказилади. Бу
ҳақда Microsoft корпорацияси маълумот тарқатган.

Windows 8да фойдаланувчиларни юз тузилишига
қараб аниқлаш функцияси, USB 3.0 интерфейси,
Bluetooth 3.0 ҳамда симсиз монитор ва 3D-диспле-
йларга уланиш имконига эга бўлиши кутилмоқда.

Эслатиб ўтамыз, ҳозирча сўнги ишланма бўлиб
турган Windows 7 амалиёт тизими бундан бир йил
муқаддам ишлаб чиқилганди. Microsoft корпораци-
яси шу бир йил ичида Windows 7 амалиёт тизими-
ни 240 миллион нусхада сотган. Бу умумий бозор-
нинг 17 фоизини ташкил этади.

Ушбу сонда:

- Кун тартибида: Тўққиз ой яқунлари **2**
- Central Asia-2010:
Ахборот-кутубхона фаолиятида янги босқич **3**
- Новые почтовые марки **6**
- Давр талаблари даражасида **12**
- «Кўҳинур»нинг сўнги манзили **16**

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

ИНТЕРНЕТ ХАМКОРИМИЗ

UzNet

Internet Service Provider

сифат рамзидир

Jumadan umagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 26 октябр куни Оқсаройда Қатар Давлати Бош вазирининг ўринбосари, энергетика ва sanoat вазир Абдулла бин Ҳамад ал-Атнани қабул қилди. Оқсаройдаги суҳбат чоғида ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришга доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Жорий йилнинг 22 октябр куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис шу йилнинг 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларини, шунингдек, 2011 йил учун мамлакатни ривожлантиришни энг муҳим молиявий-иқтисодий ва дастурий ҳужжатларини, шу жумладан, 2011 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасини, Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини кўриб чиқишга бағишланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасига оид қонунчиликни тақомиллаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Тадбир парламент кўйи палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Тошкент автомобил йўллари инспектури ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тошкентдаги “Туркистон” саройида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди. Президентимизнинг шу йилнинг 22 октябридаги “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида”ги фармони кўра, мазкур соҳа ходимларидан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди. Тадбирда ана шу мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Пойтахтимизда дастлабки шопинг тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил қилишнинг долзарб масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирда юртимиз шифокорлари билан бир қаторда, Франция, Россия, Италия ва АҚШ давлатларидан ҳам мутахассислар қатнашди.

Наманганда БМТ Тараққиёт дастурининг “Маҳаллий бошқарув тизимини қўллаб-қувватлаш: фуқаролик иштироки ва ҳамкорлик” лойиҳаси тақдироти бўлиб ўтди.

Навоий вилоятида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Sanoat, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг сайёр йиғилиши бўлиб ўтди. Унда “Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг мазкур вилоятдаги ижроси муҳокама этилди.

Тошкент ахборот технологиялари университетига Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг навбатдаги кенгайтирилган Ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Агентлик Бош директори, Ҳайъат раиси Х.Мухитдинов бошқарди. Мажлис видеоселектор орқали вилоятларга, радиоселектор орқали туманларга узатилди.

Тўққиз ой яқунлари

Ҳайъатда Агентлик Бош директори ўринбосари Асаджон Хўжаев кун тартибдаги асосий масала — “2010 йилнинг 9 ойида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги корхоналарнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида” маъруза қилди.

Тошкент ахборот технологиялари университетидagi таълим-тарбия билан боғлиқ муаммо ва камчиликлар ҳақида Агентлик Бош директори, университет ректори Х.Мухитдинов маъруза қилди. Маърузачи ўқув ва илмий фаолиятни кучайтириш, ТАТУ филиалларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, раҳбар кадрлар ва профессор-ўқитувчилар илмий салоҳиятини ошириш, илмий-тадқиқот ишлари сифатини кучайтириш, ўқув жараёнларини ташкил этишда етакчи чет эл олий таълим муассасаларининг тажрибаларидан фойдаланиш талаб даражасида эмаслигини алоҳида таъкидлади ва келгусидаги вазифаларга батафсил тўхталиди.

Ҳайъат йиғилишида алоқа ва ахборотлаштириш тизимидаги компаниялар, жамиятлар ва корхоналар томонидан ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга оид ҳуқуқат қарорлари билан белгиланган дастурлар ва тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича ўтган тўққиз ойда кўпгина ижобий натижаларга эришилгани қайд этилди.

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан кўрсатилган алоқа хизматларининг ҳажми: шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлари 1,3 фоиз, пул ўтказмалари 3,3, жўнатмалар 2,1 фоизга ўсди. Ҳисобот даври давомида алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги корхоналар томонидан 1391,4 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилди (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати — 6,5 фоиз), шу жумладан, аҳолига алоқа хизматлари кўрсатиш 850,2 млрд. сўмни ташкил этди (ўсиш суръати 4,1 фоиз). Шунингдек, 2010 йилги Инвестиция дастурига киритилган тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий сармоялар ҳамда корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилган лойиҳалар бўйича жами 156,52 млн. АҚШ долл. ўзлаштирилди.

“Баркамол авлод йили Давлат дастури” доирасида интернет хиз-

матлар кўрсатиш қийматини янада пайтириш ва сифатини яхшилаш мақсадида жорий йил 1 июндан бошлаб Халқаро интернет каналлари сигими йил бошига нисбатан 24 фоизга оширилди. Интернет хизматлари учун белгиланган нархлар 19 фоизгача камайтирилди. Миллий контент (ахборот ресурслари)ни ривожлантириш учун инфратузилма яратиш юзасидан “Ўзбектелеком” АК “Маълумотлар маркази” (Дата-центр) 2010 йил 1 июлидан бошлаб тест тартибда ишга туширилди. Республикадаги телефонлаштирилмаган 1056та қишлоқ врачлик пунктларидан 1046таси GSM ва CDMA стандартларидаги алоқа воситалари билан таъминланди.

INVERSON Technologies SA (NEC) компанияси билан тузилган шартномага асосан Тошкент шаҳрига телеэшиттиришларни узатиш қурилмалари етказиб келтирилди ва монтаж ишлари тугатилиб, 18 июндан бошлаб тест тартибда ишга туширилди. Бугунги кунда Тошкент шаҳрида ва вилояти ҳудудида 25та теледастур рақамли телеузаткичлар орқали тарқатилмоқда. Самарқанд шаҳридаги Чўпонота радиотелевизион узатиш станциясида 2010 йил 18 август куни рақамли телеузаткич ишга туширилди. Андижон, Қарши (Одамтош), Урганч ва Нукус шаҳарларида телеузаткичларни келтириш учун тендер савдолари ўтказилди. Айни пайтда тендер голиблари билан шартномалар имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид кўшимча чораталбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, WWW.UZ тизимида қидирувларни амалга ошириш учун “Каталог” базасидан фойдаланиб келинмоқда. Ушбу база 5155та (2010 йил 10 сентябр ҳолатига кўра) рўйхатдан ўтган сайтлардан ташкил топган. Каталог 13та йўналишга бўлинган бўлиб, ҳар бири яна бир нечта бўлимлардан иборат.

Ҳозирги кунга қадар “East Telecom” МЧЖ, “Ўзбектелеком” АК ва “RWC” ҚК операторлари томонидан “ZiyoNet” тармоғига 9398та таълим муассасаси уланган. Жумладан, барча 14та ахборот-кутубхона маркази, 8320та мактаб, 125та лицей, 879та коллеж, 56та “Камолот” ЕИХ бўлимлари, 18та музейлар “ZiyoNET” тармоғига

➤ HAY'AT YIG'ILISHIDA

уланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 январдаги 1271-қарори билан тасдиқланган “Баркамол авлод йили Давлат дастури”ни бажариш мақсадида Агентликка бевосита тегишли

14,7 млрд. сўм миқдоридagi 7та ҳамда идора вазирликлар билан ҳамижрочи сифатда амалга оширилган 10та лойиҳалар бўйича ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Тошкент ахборот технологиялари университетига ва “Ўзбектелеком” АКнинг Муҳандислик-техник марказида давлат муассасалари ходимлари ва тадбиркорлар, маҳаллий органлар мутахассислари ахборот-коммуникация технологиялари бўйича ўқитилди. 2010 йил 5-24 апрел кунлари Тошкент ахборот технологиялари университетининг малакали ўқитувчилари томонидан жойларда ўқув семинарлари ташкил этилди республика бўйича жами 794 нафар инструктор-ўқитувчилар ўқитилган.

Интернетдан фойдаланувчилар сони жами 6,626 млн. нафарга етди. Давлат патент идораси томонидан 2010 йилнинг 9 ойида рўйхатга олинган дастурий маҳсулотлар миқдори (2010 йилнинг 23 сентябр ҳолатига кўра) 202тани ташкил этди.

“UNICON.UZ” ДУК ЭРИ катитларини рўйхатга олиш Маркази томонидан вазирлик ва идоралар ишчиларини Е-ХАТ ҳимояланган электрон почта тизимида рўйхатга олиш ишлари олиб борилмоқда. Ҳозирги вақтда ушбу тизим фойдаланувчиларининг сони 1046тага, корхона ва ташкилотлар сони 69тага етказилди.

2010 йилнинг 9 ойида Ахборот-кутубхона марказлари фондлари 12.671 нусхадаги адабиётга ошган ҳамда уларнинг умумий фонди 4.928.446 нусхани ташкил этг-ян.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси раҳбар ходимлари ва муҳандис-техник ходимларининг малакасини ошириш борасида 2010 йил 9 ойида тизимдаги АК, ОАЖ, корхона ва ташкилотлар томонидан республикадаги турли малака ошириш марказларида 8695 нафар ходим ўз малакаларини оширди.

Аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида олиб борилган ишлар натижасида 9 ойида жами 274та янги иш ўринлари ташкил этилди.

Муҳокамаларда “Ўзбектелеком” АК бош директори М.Маҳмудов, “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ бош директори Р.Қосимов, “РРТМ” ДУК бошлиғи Ш.Абидходжаев, ОАТ “Алоқабанк” бошқаруви раиси К.Ирисбековалар сўзга чиқишди.

Ҳайъатда кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Central Asia-2010:

Ахборот-кутубхона фаолиятида янги босқич

Жорий йилнинг 27-30 октябр кунлари Тошкентда “Фан, таълим, маданият ва бизнес соҳаларида ахборот-кутубхона ресурсларидан фойдаланиш” мавзусида Central Asia-2010 олтинчи халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.



Ўзбекистон алоқа ва ахборот-лаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамда Республика ахборот-кутубхона маркази томонидан ташкиллаштирилган мазкур анжуманда уч кун давомида АҚШ, Германия, Россия ва бошқа мамлакатлар мутахассислари билан биргаликда янги ахборот-кутубхона технологияларини жорий этиш, шунингдек, мамлакатимиз ахборот-кутубхона соҳаси фаолияти, Баркамол авлод йили Давлат дастурида белгиланган ахборот-кутубхона фаолиятининг ҳуқуқий асослари, барча ахборот-кутубхона муассасаларида электрон кутубхоналар ташкил этиш ва ягона интегралланган ахборот-кутубхона тизимини яратиш ҳамда соҳага оид бошқа долзарб масалалар муҳокама этилди.

Анжуман 27 октябр куни пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказининг “Семурге” анжуманлар залида очилди. Унда республикамиз алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси корхона, ташкилот ва муассасалари раҳбарлари, ахборот-кутубхона марказлари бошлиқлари, фан, таълим, маданият ва бизнес соҳалари кутубхоначилиги иши ходимлари, шунингдек, бир қатор хорижий давлатлардан вакиллар иштирок этди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

Бош директори ўринбосари Асаджон Хўжаев анжуманда сўзга чиқиб, аввало, қатнашчиларни муборакбод этди ва республикамиз ахборот-кутубхона соҳаси фаолияти, уни ривожлантириш йўлида олиб борилаётган амалий ишлар, бу борадаги қонунлар, Президент қарорлари мазмун-моҳияти ҳақида тўхталди. Бу каби халқаро анжуманлар ахборот-кутубхоначилик соҳасида ўзаро фикр ва тажриба алмашиш, соҳага хориж тажрибаларини татбиқ этиш борасида яхши имконият эканлигини қайд этган ҳолда анжуман ишига муваффақият тилади. Ўз навбатида, сўз олган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А.Жўрабоев, МДХ Қатнашчи-давлатлар ижтимоий ҳамкорлиги давлатлараро жамғармаси маслаҳатчиси О.Баракаева (Россия), “ЎзАрхив” агентлиги бош директори А.Абдуллаев ҳам ахборот-кутубхоначилик ишини такомиллаштириш, бу йўналишда эришилган тажрибаларни умумлаштириш ва амалиётга татбиқ этиш бугунги кунда барча давлатларда ҳам долзарблик касб этаётгани хусусида гапирдилар.

Шундан сўнг Миллий кутубхона директори Абдусалом Умаров “Республикада ахборот-кутубхона соҳаси: янгича талаблар”, Ўзбекистон Респуб-

ликаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Ҳафиза Каримова “Ахборот-кутубхоналар фаолиятидаги ислохотлар давр талабидир”, Баден-Вюртемберг Кутубхоначилик сервис маркази директори Малман-Биллер Марион хоним (Германия) “Баден-Вюртемберг Кутубхоначилик сервис маркази: кутубхоналар учун марказлашган хизмат”, Абу Даби Миллий кутубхонаси маданият ва меърос бошқармаси маслаҳатчиси Дэвид Ҳирш (БАА) “Араб поэзияси энциклопедияси”, Акташ Ситки (Нидерландия) “Кутубхоначилар ва фойдаланувчилар учун янги интерфейс – SpringerLink платформаси”, техника фанлари доктори, профессор Мурод Раҳматуллаев “Ахборот-кутубхона тизими тараққиёт моделлари” ва Республика ахборот-кутубхона маркази директори Алишер Ишматов “АКТ ва кутубхона. Кутубхоначилик фаолиятини янгилашда навбатдаги босқич” мавзуларидаги маърузаларини йиғилганларга тақдим этдилар.

Анжуман ўз ишини 28-29 октябр кунлари шўбаларга бўлинган тарзда давом эттирди. Халқаро бизнес маркази, Тошкент Вестминстер университети, Тошкент юридик институти, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, “ЎзАрхив” агентлиги, Давлат илмий тиббиёт кутубхонасида бўлиб ўтган секция йиғилишларида “Республика ахборот-кутубхона муассасаларини

ривожлантириш усуллари ва воситалари”, “Умумтаълим мактаблари ахборот-ресурс марказлари. Инновациялар ва ҳамкорлик истиқболлари”, “Ахборот технологиялари асрида архивларни ривожлантиришнинг долзарб масалалари”, “Фан, таълим ва бизнес учун электрон кутубхоналар”, “Ахборот-кутубхоналар ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш”, “Тезкор ахборот алмашишда кутубхоналараро ҳамкорлик ва корпоратив тизимлар” каби мавзулар муҳокама қилинди. Шунингдек, “Рақамлаштириш асрида халқаро муаллифлик ҳуқуқи масалалари” ва “Тиббиёт кутубхоналари – ахборотга киришни таъминлаш” мавзуларида давра суҳбатлари ҳамда Баден-Вюртемберг Кутубхоначилик сервис маркази директори Малман-Биллер Марион хоним томонидан “Кутубхоналар учун марказлаштирилган хизматлар” мавзусида мастер-класс уюштирилди.

Анжуман доирасида “Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Россия давлат кутубхонаси диссертациялар электрон кутубхонасининг виртуал ўқув зали” лойиҳаси доирасида амалга оширилган Россия давлат кутубхонаси виртуал ўқув залининг ҳамда Ўзбекистон Миллий кутубхонаси янги нашриёт уйининг тантанали очилиш маросимлари бўлиб ўтди.

Усмонжон ЙҮЛДОШЕВ,
“Хабар” мухбири

Доимий комиссия йиғилиши

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖда «Почта жўнатмалари ва пул маблағларининг сақланишини таъминлаш» ва «Сифат» бўйича доимий ҳаракатдаги комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилиш кун тартибида 2010 йил 9 ойи давомида почта алоқаси объектлари томонидан кўрсатилган хизматлар сифати, почта жўнатмалари, хат-хабарларни белгиланган назорат муддатларида манзил бўйича етказилишида йўл қўйилаётган камчиликлар ва уларнинг олдини олиш чоралари ҳамда Давлат алоқа инспекцияси билан жойлардаги почта алоқаси тармоқларида ҳамкорликда ўтказилган текшириш натижалари ва аниқланган камчиликлар муҳокама қилинди.

Йиғилишда барча филиалларнинг «Почта жўнатмалари ва пул маблағларининг сақланишини таъминлаш» ва «Сифат» бўйича доимий ҳаракатдаги комиссияси раисларининг ҳисоботлари тингланди ҳамда жойларда почта алоқаси хизматлари сифатини яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишларга баҳо берилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Pochta.uz

Саломатлик — туман бойлик

Халқимизда “Сариштали уй — фариштали уй” деган мақол мавжуд. Дарҳақиқат, инсон уй-жойини озода сақласа, соғлом турмуш тарзига амал қилиб яшаса, ўша уйда барака бўлади, қолаверса, катталар ҳам, болалар ҳам хотиржамликда умр кечирадилар. Юртимизда оналик ва болаликнинг давлат муҳофазасига олинганлиги фарзандлар саломатлигини муштаккашлашда муҳим омил бўлмоқда.

“Матбуот тарқатувчи” АҚда компанияда хизмат қилаётган хотин-қизлар иштирокида “Соғлом турмуш тарзи, оналик ва болаликни муҳофазалашнинг ҳуқуқий асослари”

мавзусида бўлиб ўтган давра суҳбатида шу ва бошқа кўплаб долзарб масалаларга эътибор қаратилди.

Давра суҳбатини Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари номзоди Дилфуза Ҳасанова олиб борди. Суҳбат жараёнида иштирокчилар соғлом турмуш тарзини қандай ташкил этиш, бу борада нималарга кўпроқ эътиборни қаратиш лозимлиги, фарзандларнинг соғлиқлари ва шунга ўхшаш кўплаб ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

— Онларда соғлом турмуш тарзини ташкил этиш бугуннинг долзарб вазифаларидан биридир, — дейди компаниянинг маънавий-маърифий ишлар бўйича маъсул ходими Мавжуда Одилова. — Шу маънода олиб қаралса, бугунги давра суҳбатимиз барча учун фойдали бўлди, деб ўйлайман.

Ўз мухбиримиз

Xalqaro hayot



ЕИ ГРУЗИЯ ЯХЛИТЛИГИ ТАРАФДОРИ

Европа Иттифоқининг Гурзиядаги махсус вакили Пэр Эклунд Россиядаги йирик нашриётда чоп этилган “Дунёнинг йирик универсал атласи”ни шарҳлади. “Грузиянинг ҳудудий яхлитлиги масаласига ЕИнинг қатъий муносабати барчага аён. Абхазия ва Жанубий Осетия Грузиянинг бир қисми ҳисобланади. Бу Россия харитасида ҳам ифодалангани жуда яхши. Буни қувончи хабар деса бўлади”, — деган Эклунд.

Атласда Абхазия ва Жанубий Осетия алоҳида давлатлар сифатида акс эттирилмаган, балки Грузия таркибига киритилган.

ЭРОНДА “ЖУНДУЛЛА” АЪЗОЛАРИ УШЛАНДИ

Эронда “Жундулла” террорчилик ташкилотининг яна уч аъзоси қўлга олинди. Бу ҳақда мамлакатнинг Систон-Булуҷистон музофоти Хавфсизлик бошқармаси бош директори Алирза Панахиан берган маълумоти Эроннинг IRINN телеканали интернет-сайтида эълон қилинган.

Панахианнинг айтишича, қўлга олинганлар жорий йилнинг 16 июлида Зоҳидон шаҳридаги маҳаллада содир этилган портлашда айбланмоқда. Ушунда 27 киши вафот этган, 270 киши жароҳатланган эди. Теракт жавобгарлигини эса “Жундулла” ташкилоти ўз зиммасига олганди. Расмий маълумотларга кўра, содир этилган ҳолат юзасидан 21 киши қamoққа олинган.

Зоҳидон шаҳри Систон-Булуҷистон музофотининг маъмурий маркази бўлиб, Покистон чегарасида жойлашган.

ЦУНАМИ КЕЛТИРГАН ТАЛАФОТ

Gazeta.ru хабар беришича, Индонезияда кучли ер силкиниши бандлиги уч метрга тенг цунами келтириб чиқарган. Натижанда юздан ортиқ одам қурбон бўлган.

Хукумат вакиларининг маълум қилишича, цунами рўй берган тумандаги саксон фоиз уй жиҳдий зарар кўрган, 380 киши бедарак йўқолган. Мамлакат ташқи ишлар вазирлиги ўн нафар австралиялик сайёҳ бўлган қайиқ ҳам йўқолгани ҳақида маълумот берган.

АСЛАҲА ОМБОРИДА ЁНГИН

Россиянинг Амур вилояти Арга қўрғонидаги қурол-аслаҳа омборида ёнгин чиққан.

“Арга ва унга яқин бўлган Ключики ва Озерки қўрғонларидаги аҳолини эвакуация қилиш бўйича маҳаллий маъмурият билан керакли чоралар кўриб қўйилди. Барча хоҳловчиларни эвакуация қилиш учун автотранспорт тайёр. Воқеа содир бўлган туман милиция билан ўраб олинди”, — дейди ФВВ Узоқ Шарқ минтақавий маркази матбуот хизмати раҳбари.

КОМПАНИЯЛАРГА САНКЦИЯ

АҚШ молия вазирлиги қуролланишни қисқартириш ва Эрон ядро дастурини ривожлантирмаслик мақсадида Германия, Малта, Кипрда рўйхатга олинган 37 компанияга санкция жорий этди. Санкция Европада яшовчи эронлик бўлган беш нафар юридик шахсга ҳам қўлланган.

“Бу фирма ва шахслар Эрон денгизчилик компанияларига тегишли ёки компания назоратида”, — маълум қилган АҚШ молия вазирлиги.

Оқ уйнинг фикрича, Эрон денгиз линияси қурол ташиш ёки оммавий қирғин қуролларини ноқонуний ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун хизмат қилади.

Интернет материаллари асосида
У. ЙУЛДОШЕВ тайёрлади

XAVFSIZLIK

Firefox паролларни ўғирлайди

Firefox браузер учун чиқарилган янги Firesheep плагини билан Twitter, Facebook каби ижтимоий тармоқлардан фойдаланувчиларнинг логин ва паролларини ўғирлаш жуда осонлашиб қолди. Охириги икки-уч кун ичида ушбу дастур 100 минг мартадан ортиқ кўчириб олинган.

Эрик Батлер томонидан ишланган плагин фойдаланувчи аккаунтлари ҳақида маълумот йиғи ва уни браузер ойнасида кўрсатади, шу аккаунтлардан истагани орқали сайтга кириш имкони бўлади. Шунингдек, Amazon.com, Basecamp, bit.ly, Cisco, CNET, Dropbox, Enom, Evernote, Flickr, Github, Google, HackerNews, Harvest, Windows Live, NY Times, Pivotal Tracker, Slicehost, tumblr, WordPress, Yahoo ва Yelp каби кўплаб сайтлар ҳам бу плагин олдида ҳимоясиз қолган.

Батлернинг сўзларига кўра, у бу ишни

атайлаб қилган. “Чунки кўплаб сайтлар ҳимоя ҳақида ўйламай қўйган. Интернет-сайтлар уларга ишонч билдирган ҳар бир фойдаланувчисининг шахсий маълумотларини ҳимоя қилишга масъулдир. Улар ўз масъулиятларини ҳис қилмаётган экан, шу йўл билан кўзларини очиб қўйиш талаб этилади. Умид қиламанки, Firesheep орқали фойдаланувчилар яқунда ютиб чиқадилар”, деган Эрик Батлер.

Шимолий Каролина университети талабаси Жаррад Коул талабалар кутубхонасидан туриб дастурни текшириб кўрган. “Firesheep ёрдамида турли сайтларнинг 50дан ортиқ фойдаланувчилари ҳақида маълумот тўпладим. Мен уларнинг шахсий ёзишмалари ва бошқа маълумотлари билан танишиш имконига эга бўлдим, — дейди у. — Натижалар мени ҳайрат ва кўркүвга солди”.

RAQOBAT

Гейтслар оиласи Apple маҳсулотидан фойдаланмайди

Ашаддий рақобатчи — Apple маҳсулотини Гейтс оиласи ишлатмайди. Microsoft асосчиси Билл Гейтснинг рафиқаси Мелинда бу ҳақиқат эканини тан олди.

Мелинда Гейтс ОАВ вакилларига берган интервьюсида Apple iPodдан фойдаланмаслиги, мабодо фарзандлари ушбу медиаплеерни сотиб олишни сўрашса, уларга Microsoft маҳсулоти — Zune плеерини таклиф этишини билдирди. “Бизнинг уйимизда тақиқланган буюмлар сони жуда кам, ammo биз фарзандларимизга ҳеч қачон iPhone телефонлари ва iPod плеерларини сотиб олмаймиз”, деган Гейтс хоним.

WEB-SERVIS



«Яндекс» иш

топишга кўмаклашади

«Яндекс.Работа» сервиси веб-фойдаланувчилари Россия, Украина, Беларус ва Қозғистоннинг йирик бандлик манбаларини топиш имконини беради. Ҳозирнинг ўзида мазкур сервисда ишлаб чиқариш, транспорт, қурилиш, туризм, тиббиёт, телекоммуникация ва бошқа соҳаларда 500 мингдан ортиқ бўш иш ўринлари ҳақида маълумот жойланган.

TEKNOLOGIYALAR

Оқ корпусли iPhone 4

Apple компанияси оқ корпусли iPhone 4 сотувини 2011 йилнинг баҳорига қолдирди.

Қора рангдаги iPhone 4 сотувда 2010 йилнинг июнида пайдо бўлган бўлса, ускунанинг оқ ранглилари июлда чиқарилиши режалаштирилаётгани айтилган. Июлда эса бу иш йил охирига қолдирилгани эълон қилинган. Шу тариқа оқ рангли iPhone 4 сотуви учинчи бор ортга сурилди.

ALOQA OLAMIDA

MOBIL ALOQA

Мобил бозори

Gartner таҳлил компанияси маълумотида келтирилишича, уч йилдан сўнг мобил иловалар бозори юқори суратларда ўсади.

2014 йилга бориб овозли мобил ва ахборот хизматларининг йиллик ҳисоби \$1 триллиондан ошади. Таҳлилчилар мобил иловалар келажакда нафақат алоқа хизматлари, балки контент хизматлари, реклама ва сервислар савдоси бўйича ҳам катта даромад келтиришига ишонч билдирмоқдалар.

INTERNET

Google

интернетдан

кўра тез

ривожланипти

Агар уч йил аввал глобал тармоқдаги маълумотларнинг 2 фоизи Google ҳиссасига тўғри келган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 6,4 фоизга етган.

Googlening трафик бўйича ушбу маълумоти бутун дунё бўйлаб 110та йирик провайдерлардан тўпланган.

Хато учун

3 000 доллар

12 ёшли Алекс Миллер Firefox браузеридан хато топгани учун 3 000 АҚШ доллари билан мукофотланди.

Mozilla ўз браузеридан камчилик топганлар учун мукофот эълон қилганидан сўнг Алекс шу йўналишда ўз излашларини олиб борди. Қарийб 10 кун давомида бир ярим соатдан хатоликларни қилдирган ёш вундеркинд хотира билан ишлаш тизимида хато топди ва бу ҳақда Mozillaga маълумот жўнатди.

Соҳа корхоналари

Ўзбекистон саноати ярмаркасида

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда.)

«UNICON.UZ» ДУК ўз ишланмалари: E-hujjat электрон ҳужжат айланиши, E-xat ҳимояланган электрон почта, NIMFAYL ва «E-KALIT» тизимларини намойиш қилаётган бўлса, Тошкент ахборот технологиялари университети Миллий эркин ва очиқ кодли операцион тизим ҳамда бошқа бир қатор дастурий ечимларни ташриф буюрувчилар эътиборига ҳавола қилди.

«UNICON.UZ» ДУКнинг «АТЕТ» шўъба корхонаси базасида 2010 йилнинг январидан ташкил этилган «АТЕТМ» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси фаолияти ҳам ярмарка иштирокчиларида қизиқиш уйғотди. Уч йўналишда: оптик технологиялар; қуёш ва шамолли энергия манбалари; ахборот технологиялари бўйича иш олиб бораётган мазкур корхона ҳозирги кунда янги тажрибалар устида иш олиб бормоқда экан.

— Ҳам шамол, ҳам қуёш энергиясидан фойдаланган ҳолда объектларни узлуксиз энергия билан таъмин-


лаш борасида синовлар ўтказмоқдамиз, — дейди корхона техник директори Фарҳод Расулов. — Куёш-шамолли электростанцияларимиз 1дан 100 кВтгача энергия ишлаб чиқара олади. Ҳозирги кунда алоқа объектларида, жумладан, «Билайн» компаниясининг база станцияларини доимий энергия билан таъминлаш борасида лойиҳаларни амалга оширяпмиз. Келгусида радиотелевизион узатиш марказларига қарашли объектларда ҳам шу йўналишдаги ишларни амалга оширишни режалаштиряпмиз.

«АТЕТМ» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси, шунингдек, E-hujjat, E-xat, NIMFAYL ва «E-KALIT» тизимларини ўрнатиш, ходимларни ушбу тизимларда ишлашга ўқитиш ишларини ҳам амалга оширади.

«Telmax Electronics» ИИЧК «КоинотЭл-СГМ» концентратори, рақамли телевидение сигналларини қабул қилувчи «Set top box» ускунаси ва бошқа маҳсулотларини намойиш этмоқда. Айнан ушбу ярмаркада «Set top box»нинг яқинда ишлаб чиқарилган



янги, такомиллаштирилган нусхаси эътиборга ҳавола қилинди.



Соҳамизнинг яна бир йирик корхонаси UZINFOCOM маркази компьютерлаштириш ва ахборот технологияларини жорий этиш бўйича кенг қўламли ахборот, сервис ва консалтинг хизматлари бўйича маълумотларни тақдим этган.

Хуллас, асосий вазифаси хўжалик субъектларига ишлаб чиқаришни оптималлаштириш, ички тармоқ ва тармоқлараро кооперациони мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш, юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳақида янада кенгроқ маълумот бериш, шериклар топиш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни етказиб бериш учун маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан шартномалар тузишга

қўмаклашишдан иборат бўлган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа ишида алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси корхона ва ташкилотлари ҳам муносиб иштирок этмоқдалар.

Яна шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа иштирокчиларига «Ўзэкспомарказ» миллий кўргазма компаниясининг барча инфратузилмаси, яъни халқаро талабларга жавоб берадиган тўртта, шу жумладан янги қурилган иккита кўргазма павилони, иккита атриуми, тўртта очиқ майдон, халқаро савдо марказининг конференция зали ҳамда музокаралар ўтказиладиган бинолари ва бошқа объектлар хизмат кўрсатмоқда. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ушбу йирик форумнинг технологик жиҳатдан замон талаблари даражасида ўтиши учун ўз ҳиссасини қўшди. Ярмарка давомида конференция залларида ўтказилган тақдимотлар барча павилонларга телекўприк тарзида тўғридан-тўғри узатилиб турилди.

Лутфилло ТУРСУНОВ



Интизом мустаҳкам — кўнгил хотиржам

TADBIR

Қайсики ташкилот, корхона ёки муассасада ҳужжатларни юритиш тўғрисида қўйилган бўлса, бу иш эътиборли, синчков ва ишбилармон ходимлар томонидан амалга оширилса, уша жамоадаги барча ишлар ойнада кўрингани каби ҳужжатларда ёрқин акс этиб туради. Қачон, қайси бўлим, ким томонидан бажарилган ҳар бир иш ҳақида тўлиқ маълумот топиш мумкин бўлади. Шунинг учун ҳам бу катта масъулият талаб этадиган ишдир.

«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясида «Компания тизимдаги корхоналарда иш юритиш ва ижро интизомини мустаҳкамлаш тартиби» мавзусида бўлиб ўтган семинар-Йиғилишда ана шу масалалар асосий диққат-эътиборда бўлди.

«Матбуот тарқатувчи» АК, компания таркибидagi шўъба корхоналар ва масъулияти чекланган жамиятларнинг иш юритиш, ижро назорати ҳамда фуқаролар мурожаатлари бўйича масъул ходимлари иштирок этган ушбу йиғилишни очар экан, компания бош директори Сувон Нажбиддинов масъул ходимлар иш юритиш, юқори ташкилотлардан келаётган буйруқ ва фармойишлар ижросини назорат қилиш борасида изчилликка риоя қилинади, шунингдек, хоҳ ариза, хоҳ бирор бир тақлиф билан келган ҳар бир фуқаронинг мурожаатини безътибор қолдирмасликлари лозимлигини алоҳида таъкидлади.

«Архив иши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Иш юритиш намунавий йўриқномаси бўйича муҳокама (тренинг) ўтказиш» мавзусида маъруза қилган «Ўздавархив» идораси бош архивчиси Вера Павлова ҳужжатларни беталофат сақлашда нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида гапирди.

— Ташкилот, корхона ёки муассасадаги ҳужжатларнинг яхши сақланиши учун жавобгарлик қонун бўйича уша жамоанинг раҳбари зиммасига юклатилган, — деди Вера Николаевна ўз маърузасида. — Шунинг учун ҳам раҳбарларимиз ҳужжатларни сақлаш учун масъул шахслар устидан назоратни кучайтирмоқлари лозим. Бундан ташқари, ҳар бир ҳужжат остида инсон тақдири турганлигини ҳам унутмаслик керак. Токи пенсияга чиқиб учун ҳужжат тайёрлаётган ёки бошқа бирор масалада мурожаат қилган фуқаро корхонадан норози бўлиб кетмасин.

Компания бош директори ўринбосари Бахтиёр Кубеев ўз маърузасида иш юритиш ва амалдаги меъёрий ҳужжатлар, уларни амалда қўллаш талаблари, шунингдек, назоратга олинган ҳужжатлар бўйича қарорлар қабул қилиниши ҳамда уларнинг бажарилиши устидан назоратни ташкил этиш тартиблари тўғрисида гапирди.

Компания ва унга қарашли корхоналарда 2010 йил 1 октябр ҳолатига кўра иш юритиш ва ижро интизомининг аҳоли тўғрисида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги иш юритувчиси Сабура Нигмонова атрофлича ахборот берди. Маърузачининг таъкидлашича, ҳужжатлар билан ишлашда жойларда ай-

рим эътиборсизлик ва тушунмовчиликлар содир этилмоқда. Фуқароларнинг мурожаатларини ҳисобга олиш ва улар талабини қондиришда ҳам камчиликлар мавжуд. Бундай хато ва камчиликларни зудлик билан тугатмоқ, ижро интизомини янада мустаҳкамламоқ бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Навбатдаги маърузачи Алишер Раззоқов эса «ХФУ» грифли ҳужжатлар бўйича ва «ХФУ» грифли ҳужжатлар билан ишлаш тартиби мавзусида маъруза қилди.

Семинар йиғилиш қизгин баҳс-мунозараларга бой бўлди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча масалалар бўйича аниқ жавобларга эга бўлдилар.

— Мен Қорақалпоғистон Республикасидан келдим, — дейди Салтанат Бердибоева. — «Матбуот тарқатувчи» шўъба корхонаси ходимлар бўлимида ишлайман. Бугунги йиғилишдан кўп нарса ўргандим. Қолаверса, компания раҳбарияти ҳар бир иштирокчини иш юритишимизда ҳар кун асқотадиган муҳим ҳужжат — Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 15 июндаги «Архив иши тўғрисида»ги Қонуни, иш юритишнинг Намунавий йўриқномаси, компаниянинг иш юритиш, ижро интизими ва фуқароларнинг мурожаатларига тааллуқлари буйруқлари билан таъминлади. Бугун тинглаган маърузаларим ва эга бўлган ҳужжатларимнинг ишни пухта ташкил этишимда ёрдами катта бўлади, албатта.

Муборак МИРКАМОЛОВА,
«Xabar» мухбири

УКАЗОМ ПРЕЗИДЕНТА сотрудник ГФС А.М.Арипов удостоен медалью «Содик хизматлари учун»

В соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан «О награждении группы сотрудников в связи с Днем работников органов внутренних дел Республики Узбекистан» от 22 октября 2010 года, среди работников органов внутренних дел награжден медалью «Содик хизматлари учун» старший офицер по особым поручениям Государственной фельдшерской службы Узбекского агентства связи и информатизации Арипов Абдугани Маджитович.

Как отмечается в указе главы государства, высокой награды он удостоен за многолетний доблестный труд в обеспечении мира, стабильности и общественного порядка, а также за проявленные отвагу и самоотверженность при выполнении служебного долга, и за мужество в защите национальных интересов.

НОВЫЕ почтовые марки

В соответствии с приказом Узбекского агентства связи и информатизации с 25 октября 2010 года введены в обращение две новые почтовые марки специального выпуска «16-е Азиатские игры. Китай (Гуанчжоу)» и «Европа. Сохранение полярных регионов и ледников».

16-е Азиатские игры Гуанчжоу-2010 пройдут в Китае с 12 по 27 ноября 2010 года. Более 10000 спортсменов примут участие в соревнованиях по 42 видам спорта.

На почтовой марке посвященной одному из видов спорта — боксу изображен фрагмент боя боксёров на ринге, в правом верхнем углу изображена официально утвержденная эмблема «16-е Азиатские игры Гуанчжоу-2010» и текст с надписью на узбекском языке в латинской графике «16-OSIYO O'YINLARI, XITOIY (GUANCHJOU)».

На второй почтовой марке специального выпуска «Европа. Сохранение полярных регионов и ледников» изображены ледники и обитатели полярной фауны — пингвины, а также в правом верхнем углу официально утвержденный Всемирным почтовым союзом логотип выпуска.

В условиях ухудшения экологической обстановки, таяния ледников, исчезновения редких видов животных и растений государства мира и мировая общественность не могут оставаться в стороне. В мае 2008 года Почта Финляндии и Почта Чили обратились к почтовым администрациям мира поддержать мировое движение в области охраны окружающей среды и выпустить художественные почтовые марки, посвященные теме «Сохраним полярные регионы и ледники».

Международное бюро Всемирного почтового союза предложило назначенным почтовым операторам стран-членов Союза выпустить в 2010 или 2011 годах почтовые марки специального выпуска на тему: «Сохранение полярных регионов и ледников» с размещением на них единого логотипа.

МТС ОБЪЯВЛЯЕТ

количество абонентов на конец сентября 2010 года

В сентябре 2010 года консолидированная абонентская база МТС увеличилась на 1 миллион пользователей, в том числе на 570 тысяч пользователей — в России.

Абонентская база, млн чел.	30 сентября 2010 г.		31 августа 2010 г.		Рост		30 сентября 2009 г.		Рост	
	Аб.	%	Аб.	%	Аб.	%	Аб.	%	Аб.	%
Консолидированное число абонентов на конец периода	100,56	99,57	1,00	1,0%	96,86	3,71	3,8%			
Россия	69,67	69,11	0,57	0,8%	68,70	0,97	1,4%			
Москва и Московская область	12,98	13,01	(0,03)	(0,3%)	14,08	(1,11)	(7,9%)			
Санкт-Петербург и Ленинградская область	3,88	3,83	0,05	1,3%	3,68	0,20	5,3%			
Остальные регионы России	52,82	52,27	0,55	1,1%	50,94	1,88	3,7%			
Украина	18,15	17,99	0,158	0,88%	17,78	0,37	2,1%			
Узбекистан	8,16	7,96	0,21	2,6%	6,79	1,37	20,2%			
Туркменистан	2,39	2,33	0,056	2,4%	1,50	0,88	58,9%			
Армения	2,19	2,18	0,01	0,6%	2,08	0,11	5,5%			
Беларусь	4,64	4,62	0,03	0,6%	4,52	0,12	2,7%			



ОБСУЖДАЛИСЬ ВОПРОСЫ РАЗВИТИЯ РЫНКА ОТЕЧЕСТВЕННЫХ ПРОГРАММНЫХ ПРОДУКТОВ

В музее истории связи состоялась Республиканская научно-техническая конференция «Задачи развития индустрии разработки программных продуктов и их решение в условиях Республики Узбекистан».

Мероприятие организовано Центром подготовки и поддержки молодых программистов, Узбекским агентством связи и информатизации, Научно-техническим обществом радиотехники, электроники и связи Узбекистана.

Разработка программных продуктов — важнейший вклад в развитие современной IT индустрии. Программные продукты составляют основу инноваций в данной отрасли, т.к. при помощи современных возможностей софта появляются новые возможности использования оборудования в целом.

В республике уделяется большое внимание поддержке и развитию soft-верных компаний, более того, данное направление находится в центре внимания государственной политики в Узбекистане. Так, Постановлениями Президента страны определены существенные налоговые льготы для предприятий, специализирующихся в создании программных продуктов.

Проведение конференции в таком виде является показателем того, что данное направление активно развивается и есть множество вопросов, которые решаются путем организации диалога между специалистами посредством такого рода мероприятий.

В рамках конференции специалисты обсудили такие актуальные вопросы как: Опыт подготовки кадров и разработки ПО; Система взаимодействия Баз данных, работающих под управлением различных

СУБД; опыт разработки программных продуктов для нужд отечественных органов государственного управления; основные принципы, возможности и предложения; Проблемы мотивации программистов и их возможные решения; Автоматическое рабочее место (АРМ) управления УАК; Основные проблемы, возникающие при локализации программного обеспечения на государственный язык; стандартизация автоматизированных рабочих мест; платформа NetDec Framework; Программа оптимизации размещения сети объектов (учреждений) обслуживания в застройке города; Безнадежные проекты и причины их возникновения; Возможности портала Ziyonet; О некоторых проблемах подготовки IT-специалистов; Аспекты применения систем дистанционного обучения в Узбекистане; Перспективы обучения программированию в школе; Применение объектно-ориентированного подхода в системах электронного документооборота; Алгоритм Решения задач магнитоупругости тонких пластин со сложной формой; Разработка программного комплекса АРПЭК для решения трёхмерных упругих и упруго-пластических задач; WEB-мониторинг кадров учебного заведения и др.

Учитывая практическую направленность конференции, и большое количество специализированных тем, ее проведение явилось возможностью обсуждения актуальных вопросов отрасли, в том числе и принятие решений относительно потребностей ее дальнейшего развития. После каждого доклада участники задавали интересующие их вопросы в рамках темы докладчика.

Пресс-служба УзАСИ

WINDOWS PHONE 7 MARKETPLACE ПРЕДЛАГАЕТ 1000 ПРИЛОЖЕНИЙ ДЛЯ WINDOWS PHONE 7

Открывшийся недавно Windows 7 Marketplace весьма неплохо развивается. На сегодняшний день в нем насчитывает немногим более тысячи приложений, и это за три недели работы. Эти показатели пока не слишком высоки, но Microsoft есть куда стремиться — в Apple Store доступны более 300000 программ, а в Google Market более 100000.

ACER ПРЕДСТАВИТ ПЛАНШЕТНЫЕ КОМПЬЮТЕРЫ В НОЯБРЕ

Компания Acer, как заявил её президент и исполнительный директор Жанфранко Лянчи, в следующем месяце анонсирует серию планшетных компьютеров.

Презентация состоится 23 ноября на специальном мероприятии, которое пройдёт в Нью-Йорке (США). В продажу гаджеты поступят по цене от 300 до 700 долларов в зависимости от модификации.

По оценкам аналитиков, в текущем году по всему миру может быть продано до 19,5 млн. планшетных компьютеров. В 2011-м, прогнозируют эксперты, объём рынка составит около 55 млн. штук, ну а в 2014-м будет и вовсе куплено более 200 млн. планшетов.

ПОЗДРАВЛЯЕМ!

Коллектив Государственного унитарного предприятия «Центр электромагнитной совместимости» поздравляет радиооператора СЭМС Наманганского вилоята КОЗУБАЕВА Исмаиловича Михлиевича и радиооператора СЭМС Андижанского вилоята ШОКИРОВА — Мадимины Махмудовича со знаменательной датой — 50 летием со дня рождения, благодарит за ихний долготелый плодотворный труд на предприятии и желает им крепкого здоровья, семейного счастья, благополучия, успехов в работе.

Почта банки — XXI аср ходисаси эмас, уларнинг нишонлари бундан 150 йил аввал пайдо бўлган. Аммо айнан XXI аср эшик кокаётган бир вақтда почтада кўрсатилаётган молиявий хизматлар хар қачонгидан-да долзарблик касб этди. Биринчидан, бутун дунёда маълум сабабларга кўра, анъанавий почта хизматларидан тушадиган даромад камайиб кетди, почта хизматлари эса ишлаши ва ривожланиши керак. Қондага кўра, бундай банклар икки устунлик бўйича муваффақиятга эришадилар: кенг миллий тармоққа эгаллиги сабабли молиявий хизматларнинг аҳоли барча қатламларига кириб бориши ва мижозларнинг юксак ишончи. Ҳозирги кунда дунёда бир неча ўнлаб почта банклари фаолият кўрсатади. Эътиборингизга дунё почта банклари фаолиятига онд бешта кизик мисолни хавола этамиз.



ПОЧТА БАНКЛАРИ ҲАҚИДА 5 ҲАҚИҚАТ

ЁШИ

Биринчи почта банки 1861 йили Буюк Британияда пайдо бўлган. XIX асрнинг ўрталарида қиролликда Хилл номили почта ислоҳоти ўтказилди. Шу муносабат билан почта тизими бутунлай ўзгартирилди, шу жумладан, почта банки ташкил этилди. Орадан йигирма йил ўтиб, 1881 йили шундай банк Голландияда иш бошладди. Швейцария почта банки (1906 йил) ҳам эски молия муассасаларидан биридир. Ҳозирда Post Finance Швейцария почтасининг бўлими ҳисобланади ва у мамлакатда ипотека кредити ва кичик бизнесни молиялаштириш бўйича яққол етакчиликини қўлга олган.

Почта банклари ташкил этилишининг навбатдаги тўлқини XX аср охирига тўғри келади. 1990 йилда Deutsche Postbank дунёга келади. Анча навқирон бўлишига қарамай бу банк жуда тез ном чиқарди. Унинг мижозлари сони 14,5 миллион кишини, яъни Германиянинг бдан 1 аҳолисини ташкил этади. Банкнинг активлари миқдори 227 млрд. еврога тенг.

1998 йили бозорда етакчилар қаторидан ўрин олган яна бир банк — Италиянинг BancoPostаси пайдо бўлди. Аммо ақл бовар қилмас натижаларга 2007 йилдан мустақил иш юрита бошлаган Япония почта банки эришди.

ҲАЖМ

Энг йирик почта банки Японияда жойлашган. Япон Postда мижозлар 187 трлн. иен (1,6 трлн. доллар) миқдорда депозит ва ҳаёт сугуртасига онд шартномаларни сақлайдилар. Унинг маҳсулотлари 234 банк ва 25 минг почта бўлимларида сотиллади. Бутун мамлакат бўйлаб Япон Postнинг 25 мингдан ортиқ банкوماتлари ишлаб турибди. Ривожланиш стратегиясига кўра, Япония почта банки АҚШ молия бозорига кириб боришни режалаштиряпти. Бундан ташвишга тушган Шимолий Америка молия муассасалари ҳимояга олишларини сўраб мамлакат ҳукумати мурожаат этишди.



ИШОНЧ

Бутун дунёда почтага нисбатан катта ишонч мавжуд. Жамоатчилик онгида "ишончли" ва "почта" салкам синоним сўзлардир. Бу ишонч почта банкларига ҳам кўчган. Почта банклари муваффақиятли фаолият кўрсатаётган тўрт Европа мамлакатидан ўтказилган сўров натижалари қуйидагича кўриниш ҳосил қилди:

Бевр	Голландия	Италия	Германия	Франция
Ишончлилик	80%	70%	63%	73%
Уйбоғоти				
Ишончи	85%	72%	67%	76%
Қоғозли				

ЭВОЛЮЦИЯ

Банк — маълум схема бўйича ривожланувчи тирик организм. Boston Consulting Group экспертлари ривожланишнинг тўрт босқичини аниқлашди.

Маржинал харажатлар даври. Бу босқичда молиявий хизматлар иккинчи даражали даромад манбаи ҳисобланади. Ўсиш почта инфратузилмаси-

нинг мавжуд ҳажми билан боғлиқ бўлади. Мисол учун: Россия почтаси айнан шу босқичда турибди.

Ўсиш даври. Молиявий хизматлар фаолиятнинг асосий унсурларидан бирига айланади ва сезиларли даромад келтира бошлайди. Бу вақтда бренд машҳурлашади, рентабеллик эса барча харажатларни ёпиш даражасида белгиланади. Ҳозирги кунда UK Post Office шундай босқичда.

Молиявий хизматлар почта тармогининг асосий даромад манбаига айланади. Мустақил фаолият кўрсатадиган "Молиявий хизматлар" бўлими ташкил этилади. Мутахассислар фикрига кўра, Италия почта банки бу босқични босиб ўтмоқда.

Алоҳида фаолият. Почта оператори ва молиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилот ўртасидаги боғлиқлик пасаяди, мустақил бизнес учун молиявий хизматлар ажратилишига замин яратилади. Германия почта банки бу босқични муваффақиятли босиб ўтди.

МУВАФФАҚИЯТ

У ёки бу банк муваффақиятини қандай аниқлаш мумкин? Талқиқотчилар фикрича, молиявий хизматлар кўрсатиш ва савдо бўйича самарали натижаларга эриша оладиган тармоқ ва ходимларга эга банклар энг зўрлари ҳисобланади. Шунингдек, амалдаги хизмат ва маҳсулотларга қараб ходимларни ўқитиб бориш, бўлимларни қайта ташкил этиш ҳам муваффақият калитидир. Бу омиллар бўйича энг муваффақиятлилари Италия, Голландия, Германия ва Янги Зеландия почта банклари ҳисобланади.

Бироқ бу йўналишдаги ҳар бир банк ҳам молиявий бозорда етакчига айланиб олавермайди. Мисол учун муваффақиятга эриша олмаган бир неча банклар ҳам бор: Banque de la Poste (Белгия), Correos/Deutsche Bank (Испания), шунингдек, Португалия ва Финляндия почта банкларидир. Муваффақиятсизлик сабаблари турлича.


БУЮК БРИТАНИЯ: ИШ СОАТИ ОШИРИЛДИ

Буюк Британия почта хизмати ўзининг энг гавжум почта бўлимлари иш вақтини узайтирди. Бу Royal Mail мижозларига ўз буюртмаларини олишда энгиллик туғдиради. Royal Mail мамлакат бўйлаб 650 почта бўлими оdatий иш кунлари соат 20 00гача, шунба кун 14 00гача очик туриши учун 2,5 млн. фунт миқдорда сармоя киритди.

ЯПОНИЯ: ПОЧТАДА ИМТИҲОН

"Япония почтаси" компаниялари гуруҳининг 34 минг нафар вақтинча ишчилари имтиҳон учун ҳужжат топширишди. Ёзма имтиҳон ва сўхбатдан сўнг синовдан муваффақиятли ўтганлар номи эълон қилинади. Шу вақтгача 200 минг вақтинча ишловчилардан қарийб 65 минг нафари имтиҳондан ўтиб, доимий ишчи мақомини олишган.

ИСЛАНДИЯ: ЕЛИМ ИДИШ ОРҚАЛИ ХАТ



Исландия почтаси янги хизмат — елим идиш орқали хат жўнатишни таклиф қила бошладди. Бу хизмат мамлакатта ташриф буюрувчи сайёҳларга мўлжалланган. Елимли бутилкалар мамлакатдаги барча почта бўлимларида сотилади. Унда жўнатувчи хат ёзиши учун қоғозча ва Исландия кўриниши туширилган фотосурат (энг кўп талаб Эйяфьатлайокудл вулкони туширилган тасвирдир) бор. Исландия почта хизмати жўнатманни дунёнинг исталган бурчагига етказиб беришни ўз зиммасига олган.

АҚШ: ПОЧТА ХИЗМАТИГА "5" БАҲО

АҚШ почта хизматида баҳолаш учун аҳоли ўртасида сўров ўтказилди. Сўровда қатнашган америкаликларнинг учдан иккиси почта хизмати ишига яхши ва аъло баҳоси беришди. 8 фоизгина USPS ишини қониқарсиз баҳолади.



Давр талаблари даражасида

Республикамизнинг барча вилоятларида бўлганидек, Бухорода ҳам алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси корхоналари ишини баркарорлаштириш, улар фаолиятида қўйилган самардорликка эришиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг 9 ойлик иш натижалари ҳам айнан шунини кўрсатиб турибди.

Жумладан, жойларда интернет хизматидан фойдаланиш тўғрисида йўлга қўйилганлиги боис бу борада белгиланган режа, топшириқларнинг бажарилишида аниқ силжишлар кўзга яққол ташланиб турибди. Масалан, вилоят бўйича жорий йилнинг ўтган даври ичида интернетдан фойдаланувчилар сони 249,6 минг кишини ташкил этиб, йил бошидан буён бу борадаги кўрсаткичнинг 135 фоизга ўсишига эришилганлиги эътиборга сазовор. Бугунги кунда ҳар 1000 кишидан 162,6 нафари интернет хизматидан фойдаланиш имконига эгадир. Маҳаллий ҳокимият ва давлат бошқаруви органлари умумий сонининг 40,7 фоизи, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг 4,8, аҳоли яшаш масканларининг 2,8 фоизи интернет тармоғига уланганлигини шу ўринда таъкидлаш жоиз.

Вилоят бўйича халқаро ахборот тармоқларидан фойдаланиш тезлиги 1270 Мбит/с ни ташкил этаётганлиги ҳам аҳолининг, айниқса, ўқувчи-ёшлар ва тегишли мутахассисларнинг тезкор ахборот олишдаги талаб-эҳтиёжларини ўз вақтида қондиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Вилоят ҳудудида 10дан ортиқ телекоммуникация операторлари ва интернет провайдерлари томонидан сифатли хизмат кўрсатилаётганлиги, интернетга уланган жами портлар сони 2791тани ташкил этиши ҳам ушбу йўналишдаги ишларда қўйилган натижага эришиш имконини бераяпти.

Маълумки, бугунги кунда АКТ афзалликлари ва қулайликларидан фойдаланмай туриб ўқув муассасаларидаги таълим-тарбия жараёнини тасаввур этиш қийин. Шунини ҳисобга

олиб, вилоятдаги олий ўқув юрталари, академик лицейлар ҳамда касб-ҳунар коллежларининг барчаси, умумий таълим мактабларининг эса 78 фоизи интернет тармоғига уланган ҳолда фаолият олиб бормоқда. Ўқув масканларини компьютер техникаси билан таъминлаш ҳам доимий эътиборда. Шунингдек, интернет тармоғига симсиз улааниш технологияларининг жалб этилиши натижасида симли алоқа тармоқлари етиб бормаган ҳудудлардаги 860 нафардан ортиқ абонентлар интернет тармоғидан фойдаланиб келишяпти.

Вилоятда, бундан ташқари, жорий йил давомида рақамли телевидение кўрсатувларининг эфирга узатилиши ҳам йўлга қўйилдики, бу ҳам келажакда ушбу тизим орқали “Set-Top-Box” қурилмалари ёрдамида абонентларга рақамли теледастурларни етказиб бериш билан бирга, интернет хизматларини йўлга қўйиш имкониятини ҳам яратди. Вилоятда ҳозирги пайтда 238 нафар абонент рақамли телевидениедан фойдаланмоқда. Юртбошимизнинг 2005 йил 28 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида”ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 28 декабрдаги “ZiyoNet” ахборот тармоғини янада ривожлантириш тўғрисида”ги қарорларига мувофиқ ўтган давр ичида бир қатор умумтаъ-

лим мактаблари, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасалари, ёшлар ташкилотлари кутубхона ва музейлар “ZiyoNet” ахборот тармоғига уланганлиги маънавий-маърифий ишларни янада жонлантиришда, ўқувчи-ёшларнинг билан даражаси ва савиясини кенгайтиришларида муҳим аҳамият касб этиши ўз-ўзидан аён.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг замонавий компьютер-

тер сабоқларидан тўла баҳраманд бўлишида алоҳида аҳамиятга эга. Умуман, вилоят ахборот-кутубхона марказининг бўлимлари тўлиқ компьютерлаштирилиб, улар махсус “KaDaTa” дастурлари билан таъминланган. Шунингдек, АКМ умумий фондининг маълум қисми электрон каталогга киритилганлиги, ушбу билим масканидаги веб-сайт ёрдамида интернет тармоғи, жумладан, “ZiyoNet” ахборот тармоғи ҳамда мултимедиа нашрлари

орқали китобхоналарга ахборот бериш йўлга қўйилганлигини ҳам шу ўринда тилга олиб ўтиш лозим. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида АКМдан фойдаланувчиларнинг талаблари асосида 19658 номда 368 нусхадаги жами 71220,6 М/б ҳажмдаги ахборотлар тақдим этилганлиги бу борадаги ишлар бундан кейин ҳам давом эттирилишидан далolat бериб турибди.

Вилоят ҳудудида, айниқса, қишлоқ жойларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтисодийдаги салмоғини ошириш, янги иш ўринлари яратиш мақсадида аҳолининг кенг қатламлари учун алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини лицензиялаш масалалари бўйича олиб борилаётган тушунтириш ишлари ҳам ўз самарасини бериб турибди. Эндиликда вилоят миқёсида Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги лицензияси асосида 153та ҳўжалик юритувчи субъектларнинг замонавий телекоммуникация маълумотлари узатиш, интернет ва бошқа хизматларни кўрсатиш келаётганлигидан ҳамюртларимиз мамнун.

Асқар ИСТАМОВ,

“Xabar”нинг

Бухоро вилоятидаги мухбири

Навбат сўнгги ишларга

➔ BUNYODKORLIK

Термиз шаҳрининг “Алпомиш” маҳалласи ҳудуди чинакамга қурилиш майдонига айланган. Хоразмлик усталар шаҳар Бахт уйини Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 йиллик тўйига тухфа қилиш ҳаракатида бўлишмоқда.

Самарқанддан келган ганчкорлар эса сўз мулкнинг султони Мир Алишер Навоий ҳайкали пойига энг сифатли гранит ва мрамар плиталарни ётқизиш билан банд. Қувонарлиси, шундай хайрли ишларни бажарувчилар сафида “Тошиссиқликкуват” ишлаб чиқариш бирлашмасининг ҳўжалик ҳисобидаги бошқармаси бунёдкорлари ҳам бор. Улар очик акциядорлик-тижорат “Алоқабанк”нинг Сурхондарё филиали биносини 2011 йил бошида фойдаланишга топширишини мўължалашган.

Жорий йилнинг кейинги беш ойи мобайнида катта ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Ўтган қисқа муддат мобайнида бундай самаралорлик ўз-ўзидан қўлга киритилгани йўқ. Дарҳақиқат, Аркадий Григорян раҳбарлик қилаётган ҳўжалик ҳисобидаги жамоа, энг аввало, иш вақтидан унумли фойдаланишди. Натижада бино пойдевори тез кунда ва мустаҳкам қурилди. Маҳал-

лий корхоналардан келтирилган пишиқ гиштларни териш ва бетон устунларни жойлаштириш тажрибали кишиларга топширилди. Улар жануб ҳавосининг жазирама кунларида асосан тунги ва тонги соатлардан самарали фойдаланишга улгуришди. Албатта, фидойилик кўрсатишининг ўзига хос сир-у синоатлари бор. Биринчидан, бунёдкорларнинг қалбида мустақил Ватан иқболга ишонч ва ҳавас туйғуси жўш уриб турибди. Улар юртни яшатишга дахлдорлик ҳисси билан яшапмоқда. Қолаверса, қилган меҳнати қадр топмоқда. Қанчалик кўп ва сифатли ишлагани сари шунчалик яхши даромад топиб, оиласини кам-қўстез боқмоқда.

Юқори меҳнат унумига эришишининг яна бир сирини шундаки, қурувчиларга етарли шарт-шароит яратилган. Улар, айниқса, пазанда Акрам Қурбонов хизматидан беҳад мамнун. Тайёрланаётган миллий таомлар, витаминли ноз-неъматлар иммуни-

тетнинг доимо қувватли бўлишини таъминламоқда. Термиз шаҳрининг диққатга сазовор қадимий манзилгоҳлари, хусусан, буюк аллома Ал Ҳаким ат-Термизий меъморий мажмуасига саёҳат ҳам танга ором бахш этгани эътиборлидир.

“Тошиссиқликкуват” ишлаб чиқариш бирлашмасининг ҳўжалик ҳисобидаги бошқармаси бунёдкорлари тендерда ютиб олинган бинодаги асосий қурилиш-монтаж ишларини ниҳоясига етказишди. Энди сўнгги ишларга навбат етди. Абдусамат Раҳматов, Тошпўлат Пайғамов, Абдусамат Абдураҳимов каби бойсунлик ва ангорлик қўли гул қурувчилар галдаги жараёни ҳам тез ва соз уддалашга азми-қарор қилишган. Шундай экан, шаҳарнинг Алишер Навоий кўчаси бўйида яна бир истиқлол иншооти тез орада қад ростлайди. “Алоқабанк”нинг Сурхондарё филиали жамоаси замонавий архитектура лойиҳаси асосида ишга туширилаётган бинода иш бошлаб, мижозларга энг сифатли банк хизматини кўрсатишади.

Нортожи ЗИЁЕВ,

“Xabar”нинг

Сурхондарё вилоятидаги мухбири

➔ 2010-YIL — BARKAMOL AVLOD YILI

Қалби, чехраси, либоси гўзал

Унинг болалиги почтада кечган десак асло муболаға бўлмайди. “Мен ҳам ишга бораман. Ишлайман”, деб туриб олган Гўзалхонни етаклаб даласи йўлга тушарди:

— Майли, фақат жимгина ўтириб иш ўрган.

— Хўп бўлади, далажон, тўполон қилмай ишлаб ўтираман.

Дарҳақиқат, у почтага етиб келишлари билан сирли дунёга кириб қолгандай, қўлида бир варақ қоғоз ва ручка билан жимгина “ишлаб” ўтирарди. Иш ўрганишга ҳали кичкиналик қилсада, гавжум, ҳаёт ҳамиша қайнаб турган бу масканга нисбатан унда меҳр ўсиб борди. Мактаб чоғларида ҳам тез-тез келар, кузатар, ўзига хулосалар ясарди: бу шинам, чиройли бир нода одамларга хизмат қилиш бахт бўлса керак. Юқори синфларда эса Гўзалхон почтадаги иш жараёнарига тушуниб, ёрдамлашадиган ҳам бўлиб қолди.

Қўқон майиши хизмат касб-хунар коллежининг бухгалтерия йўналишини тугаллагач, орзулари ушалди. Уни Қўқон почта алоқаси тармо-

ғига оператор вазифасига ишга қабул қилишди. Иккинчи уйининг ҳақиқий аъзоси бўлган кун ҳаётдаги энг бахтли кун бўлиб хотирасига муҳрланди. Отаси Фарҳоджон Турсунов изилан бораётгани билан, Зироатхон Абдураҳмонова, Иззатхон Мамасодиқова, Хатуна Черексиди каби устозлари билан фахрланади. Улардан нафақат аниқлик, пухталиқ ва тезкорликни, балки бағрикенглик, меҳриларелик, сабру бардошлик каби кўплаб олийжаноб фазилатларни ўрганди.

Почтада иш бошлаганига ҳам мана беш йил бўлай деб қолди. Ҳозирда Гўзалхон Умарова пенсия бўлимида назоратчи вазифасида ишламоқда. Кейинги уч ойда пенсия нафақалари ўз вақтида берилатганидан хурсанд. Касбидан, оиласидан ҳам мамнун. Иккинчи онаси — қайнонаси Маммураҳоннинг ҳам меҳрини қозониб, уй-рўзгор ишларини ҳам ўринлатмоқда. Бир сўз билан айтганда, ҳар томонлама бахт-иқболга эришган.

— Йўқ, армоним ҳам йўқ эмас, — кулади Гўзалхон. — ТАТУда ўқиш орзуим ушалмай қолди.

— Фарзандлар турибди, улар армонларингизни арит-

салар ажаб эмас, Гўзалхон, — дейишади устозлари.

Чиндан ҳам унинг кунлари гўзалликка лиммо-лим. Газета-журналлар мутоалаасисиз ҳаётини тасаввур қилолмайди. Айниқса “Хабар”ни интиқ кутади. Мақолаларни битта кўймай ўқиб чиқади. Жони-дили почта соҳасидаги янгиликлар. Бутунжаҳон почта иттифоқи фаолияти, хорижий давлатлар билан ҳамкорликнинг ривожланиётгани, халқаро почта айрибошлаш ҳажмининг ортаётгани каби мавзулардаги мақолалар қизиқтиради уни.

— Биз ҳаммамиз “Хабар”га обуна бўламиз. Бу йил ҳам “Хабар”нинг обуначилари 107тадан ортади.

Солиқ ишлар учун энг яхши мукофот бу — ёши улугларнинг дуоли. Гўзалхоннинг ҳар кун дуоларга тўлиқ. Ҳозир ҳалигина Анна Ветрук, Светлана Нурматова, Ольга Булгакова каби фахрийлар “Барака топ, бахтинг бутун бўлсин” дея алқаб-алқаб кетишди.

Дуоларингиз ижобат бўлсин, фахрийлар, леймиз биз ҳам.

Ҳафиза САЛЯХОВА,
“Хабар”нинг Фарғона вилоятидаги мухбири

Инсон умрини оқар дарёга ўхшатишади. Дарёлардай тезкор, тўлқинларидай елдириб. Инсон ўз умри давомида хайрли ишларга қўл урса, элда обрў-эътибор топади. Ҳаётнинг пасту-баландликларида тобланиб, ибратли манзиллар ортида эъозланади. Файласуфлардан бири ҳалоллик, поклик ва савоб амаллар яхши инсонга тоғудавлатдир, дейди.

Эзгуликка йўғрилган умр

Қўшша Ашуров ҳақида сўз кетганда ана шундай ибратли умр соҳиби, кампартинлиги, меҳридарелиги, оилапарварлиги билан ардоқланиб келинаётган инсон дея таъриф берсак арзийди. Қўшша ота катта ҳаёт йўлларини босиб ўтаётган инсон. 1926 йилнинг 26 май кунини Қашқадарё вилояти Ғузур туманидаги Яққадархат қишлоғида, олдий деҳқон хонадонинида таваллуд топган. Қишлоқдаги ҳозирги Обид Солиқов номи 12-мактабда таълим олади. 17 ёшида — айни камолот палласида дахшатли уруш хабари юртни дарзага келтиради. Унга ҳам ҳарбий комиссариатдан чақирув қонози келади. 1943 йилнинг декабр ойи, қаҳратон кезлари у ҳам тенгдошлари қатори Қозғистоннинг Семипалатинск шаҳрига келиб тушади. Бу ерда йигитлар ҳарбий тайёргарликдан ўтишарди. 1944 йил Калининград шаҳрида оғир артиллерия захира полкида тўпчилар машқларида қатнашади. Ордан кўп ўтмай артиллериячилар қаторида урушга жўнатилади.

1950 йилга қадар Германияда бўлиб, 7 йил деганда ўз юртига қайтиб келди. Туман электралоқа боғламасида электромонтёр бўлиб ишлаш бошлади. Қарийб 42 йил давомида шу соҳада ҳалол ва сийқидилдан фаолият кўрсатди. Юзлаб шогирдларга устозлик қилди. Қўшша ота катта оиланинг соҳиби — 3 ўғил, 3 қизлари бугун турли соҳаларда меҳнат қилиб келишмоқда. Ўғиллари Камол Ашуров ота изилан бориб Ғузур ТБда электромонтёр вазифасида ишлаб келмоқда. Невара-чечаралари отахоннинг кувончи. Улар камолдан миннатдор Қўшша ота тинч, осойишта кунларга шукроналар айтади.

Ҳа, инсон умри давомида эзгулик умидида умргузаронлик қилса, унинг инсоний фазилатлари, ибратли ҳаёт йўли ёшлар учун катта ҳаёт мактаби деб номланади. Эл эъозидан ортиқ бахт борми?! Жамоамиз фахри — Қўшша ота Ашуровга биз шогирдлари ҳам эҳтиром бажо келтирамиз.

Зулфия ЖАББОРОВА,
Қашқадарё вилояти Ғузур тумани ТБ муҳандиси

“Хабар” газетасига ким қанча обуна бўлди?

2011 йил учун расмийлаштирилаётган обуна бўйича 2010 йил 20 октябргача бўлган маълумот

Вилоятлар	
Қорақалпоғистон Республикаси	6
Андижон	1
Бухоро	0
Жиззах	0
Қашқадарё	0
Навоий	20
Наманган	220
Самарканд	30
Сурхондарё	23
Сирдарё	0
Тошкент	50
Фарғона	30
Хоразм	1
Тошкент шаҳри	1213
Жами	1594

“Маълумот “Матбуот таркатувчи” АК томонидан тақдим этилди.

Газетхонлар кўпайишини кўзлаб

Икки ойдири, вилотимизда обуна мавсуми давом этмоқда.

Юртдошларимиз 2011 йил учун ўзлари севган газета-журналларга жамоа бўлиб ва якка тартибда ёзилишяпти. Бу борада уларнинг хохиш-истаклари алоҳида ҳисобга олинмоқда.

Ўтган қисқа давр таҳлили “Халқ сўзи”, “Ишонч”, “Инсон ва Қонун”, “Бекажон” каби матбуот нашрларининг мухлислари кўплигини яққол кўрсатди. “Хабар”га эса нафақат вилоят алоқа корхоналари, балки бир қатор халқ таълими шохобчалари, касб-хунар коллежларининг ахборот-ресурс марказлари катта қизиқиш билан ёзилмоқдаки, бу ҳолатдан қувониш керак, айбатта! Негаки, давр янгилиги — ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш сирларини ўрганишда “Хабар”нинг ўрни бўлакча.

Маълумки, обуна мавсуми муваффақияти ташкилий тадбирларнинг қай даражада йўлга қўйилишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Шу боис “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Сурхондарё филиали ўз вақтида тезкор режани белгилаб олди. Тадбирда 2011 йилги республика, вилоят, ту-



ман ва МДХ даврий нашрлари ҳамда китоб маҳсулотларига обуна қабул қилинишини мақсадга мувофиқ ўтказиш кўзда тутилган. Ҳозир барча почта алоқаси тармоқлари “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ томонидан чоп этилган обуна каталоги асосида фаолият юритмоқда. Долзарб жараён натижалари ҳар ўн кунда филиалга маълумот учун билдириб бориляпти.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, вилотимизнинг Бойсун, Олтинсой, Шеробод, Денов ва Сарисийё туманлари ҳудудидagi тоғолди қишлоқларда даврий нашрларга обуна уюштиришда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаоллари ҳамда маҳаллий тадбиркорлар яқиндан кўмак беришмоқда. Эътиборлиси, узоқ манзилларда истиқомат қилаётган кишилар “2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили Давлат дастури” асосида йўлга қўйилган кўчма алоқа бўлимлари фаолиятдан мамнун эканлигини билдиришяпти. Амалдаги обуна оғи шу муносабатга яраша бўлмоқда. Айниқса, Термиз шаҳри, Бойсун, Шўрчи, Жарқўрғон туманлари почта ходимлари газетхон ва журналхонлар сафини кенгайтириш йўлида сезиларли ишларни амалга оширишмоқда.

Барно ИСАЕВА,
“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ
Сурхондарё филиали обуна бўлими бошлиғи

Ucell: «Carucell» акцияси ғолиблари

Ucell «Carucell» акциясининг биринчи босқич натижаларини эълон қилди. Муҳташам «Пойтахт» бизнес-марказида акциянинг биринчи ғолибларига совринлар топшириш маросими бўлиб ўтди.

Энг катта ютуқ — «Chevrolet Captiva» автомашинаси соврин соҳиби — Бухоро шаҳридан Феруз Ҳакимовга Ucell компанияси бош директори жаноб Огуз Мемигювен томонидан топширилди.

«Бугун жуда бахтиёрман. Автомашина ютиб оламан, деб ҳеч ўйламаган эдим, — деди Феруз Ҳакимов. — Ucell бундай акциялар ўтказётганлиги учун жуда миннатдорман. Энди мен билан — ҳар бир Ucell абоненти автомашина каби соврин эгасига айланиши мумкин».

Айни пайтда, бошқа ютуқлар — 10та LCD телевизор, 5та кир ювиш машинаси, 20та микротўлқинли печ, 50та DVD-плеер ва юзлаб бошқа ютуғлар ўз эгаларига эга бўлди.

«Men «Carucell» акциясида иштирок этган ҳар бир абонентимиздан миннатдорман. Бизнинг компаниямиз доимо ўз абонентларини хурсанд қилишга ҳаракат қилади ва мен ушбу совринларни акция ғолибларига топширишдан бахтиёрман, — деди жаноб Мемигювен. — Акция аҳолида катта қизиқиш уйғотди ва унда фаол иштирок этган ҳар бир абонент автомаши-



на ёки бошқа қимматбаҳо совринни ютиб олиш имкониятига эгадир».

Акцияда қатнашиб, 3 ва ундан ортиқ, лекин совринга етарли бўлмаган балл, тўплаган 6000 абонент тармоқ ичида бепул 30 дақиқа ва 30 SMSга эга бўлдилар.

Энг муҳими — «Carucell» акцияси давом этмоқда ва 2000дан ортиқ совринлар, жумладан, тўртта «Chevrolet Captiva» автомашинаси, 40та LCD телевизор, 20та кир ювиш машинаси, 80та микротўлқинли печ ва 200та DVD плеер ҳамда юзлаб тостерлар, фенлар, электр чайнақлар ва дазмоллар ўз эгаларини кутмоқда.

Акция қоидалари оқий. Ҳар бир ба-


ланс тўлдирилганда ҳар 5 минг сўм учун бир балл берилди. Уяли алоқа хизмати қанча кўп тўласангиз — шунча кўп балл тўланиб, совринлар ютиб олишга имконият ҳам шунча катта бўлади.

Акция беш босқичдан иборат бўлиб, ҳар бир босқич якунланганидан сўнг суперютуқ сифатида Chevrolet Captiva автомашинаси мазкур босқич давомида энг кўп балл тўплаган абонентга топширилади. Бошқа абонентлар тўплаган баллар миқдори асосида LCD телевизорлари, кир ювиш машиналари, микротўлқинли печ, DVD плеерлар ва бошқа қимматбаҳо совринларни қўлга киритадилар.

Эзгу ва савоб ишлар

«Coscom» МЧЖнинг мамлакатимиздаги дилерлари сони ҳозирги пайтда 2100 нафарни ташкил этиб турибди. Уларнинг 150 нафари Бухоро вилоятида фаолият кўрсатмоқда. Таъкидлаш жоизки, ушбу компания даромадларининг кўпайиши жойларда дилерлик ишларининг тўғри ташкил этилишига, дилерлик тармоғини кенгайтириш, мазкур йўналишдаги баъзи бир қонунбузарлик ҳолатларининг олдини олиш, кўрсатилаётган хизмат сифатини яхшилашга эришиш ва бошқа бир қатор муҳим омилларга боғлиқ. Компания билан дилерлар ўртасида тузилган шартнома мажбуриятларининг ўз вақтида ва талаб даражасида бажарилиши ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этади.

Бухорода яқинда ўтказилган дилерлар йиғилишида «Coscom» МЧЖ Бош директорининг ўринбосари Элчин Жабборов сўз олиб, амалга оширилган ишлар билан бирга гадаги вазибалар ҳусусида ҳам батафсил



тўхталди. Абонентлар базасини кўпайтириш бўлажак ютуқлар омилларидан бири эканлигини таъкидлади. Ҳеч шубҳасиз, бу борада дилерлар зиммасида катта масъулият бор. Ўз кундалик ишида юксак натижаларга эришадиган дилерларга фахрий ёрлиқлар топширилди.

Эслатиб ўтамиз: компания ходим-

лари бевоқифа ўз хизмат вазибаларини сидқидилдан бажариш билан бирга кундалик фаолиятларида савобатпешалик ва инсонпарварлик фазилатларини ҳам намойён этмоқдалар. Ижтимоий лойиҳалар доирасида ушбу компания томонидан мамлакатимиз миқёсида амалга ошириб келинаётган бир қатор эзгу ва савоб ишлар шулар жумласидандир. Эътиборлиси шундаки, «Coscom» МЧЖ ўз фаолиятини бошлаган даврдан бери бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Яқинда компания ходимлари томонидан республика онкология илмий-текшириш маркази учун жами 36 миллион сўмлик дори-дармонлар сотиб олинди. Шунингдек, Бухоро шаҳрида истиқомат қилувчи бир гуруҳ эҳтиёжманд кишиларга совға-саломлар улаштириб, уйда таълим олаётган ногирон мактаб ўқувчиларидан бир нечтасига замонавий компьютерлар тақдим этилди.

И. АСҚАРОВ

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладикки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан:

«ASIKO» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ, маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001931 рақамли;

«AGALINA» хусусий ишлаб чиқариш фирмасининг (Бухоро ш.) аризасига мувофиқ кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001753 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2010 йил 21 октябрдан тугатилди.

Тармоқ кенгайтириш

«Билайн» Сурхондарё вилояти ҳудудда GSM тизими ҳудуди кенгайтирилишини маълум қилди.

Мазкур воқеани шарҳлар экан, «Unitel» Жанубий минтақавий филиали директори Улғубек Аҳмедов қуйидагиларни таъкидлади: «Тармоқ сизими мунтазам ўсиши билан бир вақтда минтақани аҳоли яшайдиган қисмини аъло даражада қоплаши хизматларимизни юқори даражада сақлаб туриш учун ёрдам беради. «Билайн» алоқасининг сифати юқорилигига ўрганган абонентлар тизимни модернизация қилиш бўйича ишлар келгуси йилда ҳам давом эттирилишига ишонилгани мумкин».

Янги базавий станцияларни қуриш натижасида Олтинсой туманининг Боташ, Миршоди ва Пахтакор аҳоли яшаш масканларининг, шунингдек, Шўрчи туманининг Далварзин ва Толли масканларининг радиоқоплаши таъминланди. Бундан ташқари, қўшимча асбоб-ускунани ўрнатиш Узун туманида тармоқнинг сизимини анча кенгайтириш, шунингдек, Термиз-Денов трассасининг қоплашини яхшилаш учун имкон берди. Эслатиб ўтамиз, вилоятнинг бутун ҳудудда EDGE мобил интернетнинг тезкор стандарти қўлланилади.

«Билайн»дан бизнес учун янги тезлик

«Beeline Business» интернетга кенг поласали киришдан корпоратив фойдаланувчилар учун янги тариф линейкасини тақдим этди. «Бизнес Тезлик» тарифлари — бу алоҳида линияда 2 Мб/сек.гача тезликда чекланган интернетдир.

«Биз тармоққа кириш тезлигини анча ошириб, миқозларимизнинг қўлайлиги ҳақида ўйладик», — таъкидлайди «Beeline Business» йўналиши раҳбари Иван Смоленцев. — Энди, пасайтирилган нарҳда, каттароқ тезликдаги интернетдан фойдаланиб, улар бизнес-жараёпларини бундан ҳам тез ва самарали бошқаришлари мумкин».

Янги линейка бешта тариф режасидан иборат:

«Бизнес Тезлик 1» (абонент тўлови — \$0; ҳар бир қўшимча 1 М.байт — \$0,12),

«Бизнес Тезлик 2» (абонент тўлови — \$40; тўланган трафик — 0,5 Г.байт; ҳар бир қўшимча 1 М.байт — \$0,09),

«Бизнес Тезлик 3» (абонент тўлови — \$75; тўланган трафик — 1 Г.байт; ҳар бир қўшимча 1 М.байт — \$0,08),

«Бизнес Тезлик 4» (абонент тўлови — \$180; тўланган трафик — 3 Г.байт; ҳар бир қўшимча 1 М.байт — \$0,07),

«Бизнес Тезлик 5» (абонент тўлови — \$250; тўланган трафик — 5 Г.байт; ҳар бир қўшимча 1 М.байт — \$0,06).

FUTBOL

ЎЗБЕКИСТОН — ИККИ КАРРА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

Футбол бўйича Ўзбекистон ампувантлар терма жамоаси кетма-кет иккинчи мартаба жаҳон чемпиони деган номни қўлга киритди. Аргентинанинг Креспо шаҳрида якунланган финал баҳсида терма жамоамиз мезбонлар — Аргентина терма жамоасини 3:1 ҳисобида мағлуб этиб, ўз унвонларини сақлаб қолишти.

Учрашувнинг биринчи бўлимида ҳисоб очилмади. Иккинчи бўлимнинг бошида Ҳайдарали Турсунбоев ва Қудрат Худойқуловлар терма жамоамизнинг 2:0 ҳисобида олдинга чиқиб олишларини таъминлади. Орадан 6 дақиқа ўтиб, Уго Херену орадаги фарқни биттага қисқартирди. Уйиннинг сўнггида эса Ҳайдарали Турсунбоев яна бир марта гол киритиб, якуний ҳисобни ўрнатди — 3:1.



Жаҳон чемпионлари билан танишинг:

Азизжон Азимов, Зоҳидхўжа Тошхўжаев, Абдужамил Шукуров, Ҳайдарали Турсунбоев, Абдумалик Абдуҳамидов, Қудрат Худойқулов, Азиз Абдурахмонов, Бахтиёр Ражабов, Павел Сулейманов, Умарали Рустамов, Аъзамхон Исмаилов, Қудрат Тўраҳўжаев, Муҳаммадазиз Арапов, Нуриддин Турсунов.

Бош мураббий: Анвар Исмоилов.

Ҳамюртимиз —

Осиё чемпиони

Мўғулистонда юз катакли шашка бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари битта олтин ва иккита кумуш медалга сазовор бўлди.

Мусобақанинг хотин-қизлар ўртасидаги баҳсида Сайёра Йўлдошева олтин медални қўлга киритди. У 2009 йили Қозоғистонда олтинш тўрт катакли шашка бўйича ўтказилган Осиё биринчилигининг классик ва тезкор йўналишларида ҳам голиб бўлган эди.

Яна бир шашкачимиз Нигина Бозорова кумуш медал билан тақдирланди. Эраклар ўртасидаги баҳсда ҳамюртимиз Алишер Ортиқов ҳам иккинчи ўринни эгаллади.

Нодирбек —

голибликка даъвогар

Грецияда шахмат бўйича ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионати ҳал қилувчи паллага кирди. Саккиз ёшгача бўлган ўғил болалар мусобақасида ҳамюртимиз Нодирбек Ёқуббоев совринли ўринларга даъвогарлик қилмоқда.

Истеъдодли шахматчимиз еттинчи турда франциялик Дмитрий Лагардега қарши дона суриб, рақибини чиройли усулда мот қилди. Жаҳон чемпионатининг саккизинчи турида Нодирбек чемпионатда етакчилик қилаётган украинлик Кирилл Шевченко билан дуранг натижа қайд этди ва сўнгги тур олдиан учинчи ўринни сақлаб қолди.

Осиё чемпионатида старт берилди

Пойтахтимизда ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати старт олди. Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси гуруҳ ўйинларини муваффақиятли ўтказиб, чорак финалга йўл олди.



Гуруҳ ўйинлари натижалари:

- Ўзбекистон (U-16) — Индонезия (U-16) - 3:0
- Голлар: Тимур Ҳақимов (31, 47), Сардор Собирхўжаев (59)
- Иордания (U-16) — Ўзбекистон (U-16) - 0:0
- Ўзбекистон (U-16) — Тожикистон (U-16) — 8:1
- Голлар: Т.Ҳақимов 2, 24; Ж.Мирабдуллаев 19; А.Махталиев 39; Ж.Ҳақимов 76, 90+1; Н.Камолов 80; А.Муротов 89 - И.Мухтожзода 59

“Бунёдкор” — Ўзбекистон чемпиони

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий чемпионати олий лига беллашувлари якунланишига бир тур қолганида “Бунёдкор” олтин, “Пахтакор” кумуш ва “Насаф” бронза медални қўлга киритди.

Мавсум давомида пешкадамлик қилган “Бунёдкор” футболчилари йигирма бешинчи турда Чирчиқ шаҳрида Бекободнинг “Металлург” жамоасини қабул қилди. Учрашувда “Бунёдкор” футболчиларидан Виктор Карпенко ҳисобни очган бўлса, уйиннинг иккинчи ярмида Руслан Мелзидинов яна бир бор “Металлург” дарвозасини ишғол қилди. Беллашув якунланишига бир неча дақиқа қолганида меҳмонлар ҳужумчиси Зоҳид Абдуллаев ҳисобдаги фарқни қисқартирди. Учрашувда 2:1 ҳисобида зафар қучган “Бунёдкор” учинчи мартаба Ўзбекистон чемпиони бўлди.

«Олтин тўп» кимга насиб қиларкан?

ФИФА йилнинг энг яхши футболчиси учун тақдим этиладиган «Олтин тўп»га даъвогарлик қилувчи 23 футболчи номини эълон қилди.

Совринни топшириш маросими 2011 йилнинг 11 январида Швейцариянинг Цюрих шаҳрида бўлиб ўтади. Голибни ФИФА экспертлари ва Франциянинг «France Football» нашри аниқлаб беради. Футболчиларнинг рўйхати қуйидагича:

Андрес Инеста (Испания), Дани Алвес (Бразилия), Лионел Месси (Аргентина), Давид Вилья (Испания), Хави (Испания), Карлес Пуйол (Испания — барчаси «Барселона»), Хаби Алонсо (Испания), Криштиану Роналду (Португалия), Икер Касилья (Испания), Месут Ўзил (Германия, барчаси «Реал»), Самуэл Это'О (Камерун), Уэсли Снейдер (Голландия), Жулио Сезар, Майкон (Бразилия, барчаси «Интер»), Мирослав Клозе (Германия), Филипп Лам (Германия), Томас Мюллер (Германия), Арен Роббен (Голландия), Бастиан Швайнштайгер (Германия, барчаси «Бавария»), Диле Дрогба (Кот-д'Ивуар, «Челси»), Сеск Фабрегас (Испания, «Арсенал»), Диего Форлан (Уругвай, «Атлетико»), Асамоа Гян (Гана, «Сандерленд»).

Теннисчиларимиз

ғалабаси

Ўзбекистонлик Нателла Набиева, Сабина Шарипова ҳамда Оқғул Омонмуродова Халқаро теннис федерацияси томонидан АҚШ, Малайзия ва Франциядаги нуфузли халқаро теннис турнирларида голиблик учун куч синашмоқда.

Истеъдодли теннисчимиз Нателла Набиева АҚШнинг Атланта шаҳрида ўсмирлар ўртасидаги халқаро теннис турнирининг яқкалик беллашувларида мезбонлар вакиласи Сидней Вестни 6:4, 6:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, кейинги босқичга йўл олди.

Жуфтлик беллашувларида америкалик Стефани Наута билан ҳамкорликда учинчи рақамли дуэтни ташкил қилган 15 ёшли Нателла дастлабки босқичда АҚШ теннисчилари — Жоси Кулман ва Катрин Изабел Стеффенсендан 6:3, 5:7, 11:9 ҳисобида устун келди.

Малайзиянинг Кучинг шаҳрида хотин-қизлар ўртасидаги халқаро турнирнинг жуфтлик беллашувларида Сабина Шарипова индонезиялик Санди Гумуля билан бирга япониялик Ёко Наито ва германиялик Жессика Сабешинская дуэтини 6:3, 6:3 ҳисобида мағлубиятга учратди ва ярим финалга чиқди. Яқкалик беллашувларида биринчи рақамда сараланган С.Шарипова мусобақага иккинчи босқичдан қўшилади ва биринчи учрашувини ҳиндистонлик Совжана Бависеттига қарши ўтказди.

Дунёнинг кучли спортчилари иштирок этаётган Франциядаги хотин-қизлар теннис турнирининг жуфтликлар мусобақасида Оқғул Омонмуродова германиялик Кристина Барриоис билан ҳамкорликда франциялик Стефани Алоро ва тунислик София Сафарни 6:2, 7:5 ҳисобида етди. Оқғул яқкаликлар ўртасидаги биринчи учрашувини мезбон теннисчи Клер Фурштейнга қарши ўтказди.

Самбочиларимиз

муваффақияти

Грузиянинг Тбилиси шаҳрида самбо бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари етти та медални қўлга киритди.

Йигирмадан ортиқ мамлакатдан 500 нафарга яқин спортчи иштирок этган мусобақанинг вазни юз килограммгача бўлган самбочилари ўртасида ҳамюртимиз Шоҳруҳ Қўчқоров кумуш медал билан тақдирланди. Ўз вазн тоифасида Суннат Азимов, Истам Қудратов, Сарбон Эрназаров ва Нодир Тўраев бронза медалга лойиқ кўрилди.

Хотин-қизлар ўртасида Дилдора Убайдуллаева кумуш медал билан тақдирланган бўлса, Светлана Исмоилова шохсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

Ўтганларнинг охириги обод бўлсин

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги жамоаси “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиали қошидаги “Телекоммуникация линиялари” кафедраси муdiri **Сайидакбар АҒЗАМОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги жамоаси Агентлик бўлими етакчи мутахассиси Нафиса Муҳамедовага волидаи муҳтарамаси **ОЙТўРА аянинг** вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

“ТШТ” филиали жамоаси филиалнинг собиқ бошлиғи, фахрий алоқачи **Сайидакбар АҒЗАМОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси “Менежмент ва маркетинг” кафедраси доценти Фарида Қиличева ҳамда “Техник таълим педагогикаси” кафедраси доценти Феруза Қиличеваларга оталари **БЕШИМ отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Кўхинур олмоси хақида кўпчилик эшитган, лекин ўзининг суронли тарихи мобайнида у қандай йўллариносиб ўтганини кўпчилик билмас керак. Аввало, Кўхинурнинг луғавий маъноси хақида. У форс тилида “ёруғлик тоғи” деган маънони билдиради. Бу номни олмосга форс ҳукмдори Нодиршоҳ берган.



ном билан аталяпти. Вақт ўтиб “Кўхинур” Афғонистон амири Шужошох кўлига ўтади. У эса олмосни сикхлар ҳукмдори маҳарож Ранжит Сингхга совға қилади. Шу тариха “Кўхинур” Лаҳор шаҳри саройида XIX асрга қадар сақланади.

“КЎХИНУР” НИНГ СЎНГГИ МАНЗИЛИ

Олмос йиллар мобайнида бир қанча ҳукмдорларнинг қўлидан ўтган. Уларнинг бири улуг бобомиз Заҳриддин Муҳаммад Бобурдир. Буюк саркарда бобомиз Ҳиндистонда улкан давлат барпо этади. 1304 йилда истилочи Оловуддин томонидан олиб келинган, оғирлиги 793 қирот (1 қирот 0,2 грамм)га тенг ушбу гўзал жавоҳирни 1526 йилда бобомиз ўғли ва меросхўри Ҳумоюнга топширади. Шундан сўнг қимматбаҳо тош бобурийлар сулоласи даврида авлоддан авлодга мерос тариқасида ўтиб келган.

1739 йили форс шоҳи Нодиршоҳ Деҳлини забт этади. Босқинчилар Бобурийлар томонидан бунёд этилган мадраса бинолари, масжид ва мадрасаларни кўриб, ҳайратдан ёқа ушлайдилар. Бу иморатларнинг деворлари минглаб зумрад, жавоҳир, лаъл ва ёқутлардан лов-лов ёнар, айниқса, қуёш нурида кўз қамашарди. Ўз саройида улкан бойликка эга Нодиршоҳ ҳам лолу ҳайрон тикилиб қолади.

Эрон шоҳи аскарларига барча бойликларни йиғиб, ўз саройига юборишни буради. Олмос ва зумрадга тўлдирилган қутиларнинг ўзи олтимишга яқинлашиб қолади.

Бироқ улар ичида Нодиршоҳ қидирган 793 қиротли жавоҳир йўқ эди. Эрон шоҳи ўша олмос ҳинд усталари томонидан ясалган бебаҳо асар — “Товусли тахт”га ўрнатилганлигини биларди. Шу сабаб қидирувни бошлаб юборади.

Саройдаги хоналарнинг бирида ҳажми ва кўриниши кўчма каравотни эслатувчи тахт бўлган. Улкан тахт олмос, зумрад, марварид ва ёқут билан қопланган. Тахтни ўраб турган гулдор чодир ичи ҳам қимматбаҳо тошлар билан безатилган. Куббасининг остида эса ёқут ва бошқа қимматбаҳо тошлар билан безатилган товус тасвири кўришиб турарди. Аммо товуснинг машҳур олмос порлаб турган кўзи ўрни бўм-бўш эди.

Ҳазабланган Нодиршоҳ саройнинг ҳар бир бурчагини тинтишни буради, саройда яшовчилар ичига айғоқчилар қўяди. Ниҳоят айғоқчилардан бири хабар топиб келади — Муҳаммадшоҳ ҳарамидаги аёллардан бири рўмоли ичига қандайдир қимматбаҳо тошни яшириб юраркан. Ушбу тош форс ҳукмдори қидирган олмос эди. Аёлнинг бош кийимини ечишганида Нодиршоҳнинг кўзи олмос нуридан қамашиб, кўхинур-ку бу, деб юборади. Шу-шу олмос ҳозирга қадар шу

“Кўхинур”нинг шарқдаги сўнгги эгаси, ёш рожа Делиб Сингх инглизлар ёрдамида тахтни қўлга киритганди. Ўша пайтдаёқ инглизлар “Кўхинур”ни қўлга кириштириш учун баҳона қидира бошлашди. Баҳона ҳам кўп куттирмади. 1848 йилда икки сикх кўшини Лаҳорда исён кўтарди. Уни бостириган инглизлар ҳарбий ўлжа сифатида “Кўхинур”ни ҳам қўлга киритадилар. Жавоҳир кўриқчиларининг кучли назорати остида “Медей” кемаси орқали Лондонга жўнатилади.

Ушандан буён “Кўхинур” Лондондаги Виндзор қасрида сақланмоқда. Бир вақтлар Ҳиндистоннинг Ямун дарёси соҳилида яшовчи мурғак болакай қалпогига қадаланган, кейинчалик Ҳиндистон рожасига тортиқ қилинган, йиллар давомида ўнлаб ҳукмдорларнинг кўзини қувнатган афсонавий бу қимматбаҳо тош бугунга келиб Англия қироли хонадонининг мулкига айланган.

BILIMINGIZNI SINAB KO'RING

Ўзбекистонда илк нодавлат телеканал қачон иш бошлаган?

! “Хабар”нинг 42 (938)-сонда эълон қилинган “Морзе телеграфидан биринчи телеграмма қачон жўнатирилган?” саволига жавоб:

— Морзе телеграфидан биринчи телеграмма 1844 йилда Вашингтондан Балтиморга жўнатирилган.

АНТИҚА ЎРАМА

Керакли маҳсулотлар:
1та юпка “лаваш”, 100 гр. пишлоқ, 6та карам барги, 200 гр. қийма, 1 бош пиёз, 250 гр. консерваланган яшил нўхат, ўсимлик ёғи, таъбга кўра туз ва мурч.

1. Карам баргини ювиб, туз сепинг ва идишга солинг. Устидан қайнаган сув қуйиб, 5 дақиқа димлаб қўйинг. Сўнг сувни тўкиб, совуқ сувда чайинг. Пиёзни тозалаб, майда тўғранг ва ёғда тилла ранга киргунга қадар қовуриб, устидан қийма солинг. Уни ҳам ранги ўзгаргунга қадар қовуриб, туз ва мурч сепинг. Оловдан олгач, бир оз совутинг. Кўк нўхатнинг сувини тўкиб, совуқ сувда чайиб олинг. Кейин гўшт билан аралаштиринг. Пишлоқни ҳам қирғичдан чиқаринг.
2. Лавашни ёйиб, унга пишлоқ сепинг. Устидан карам баргини қуйиб, қиймали ма-саллиқни бир текис қилиб солинг. Рулет шаклида ўраб, ёғланган патнисга чоқини па-стта қаратиб қўясиз. Ўсимлик ёғи суртиб, 200 даража қизиган газ печида 15 дақиқа пи-ширасиз.

Хандалар

Аёл телефон гўшагини жойига қўйди. Эр: — Жонгинам, нима бўлди? Телефонда ярим соат гапладинг?!
— Э, бошқа жойга тушиб қолган экан.

Илтимос, директорни телефонга чақирворинг!

- Директор банд.
- Мен унинг хотини бўламан.
- Ҳамма шундай дейди.
- Унда, Люба сўраяпти, деб айтинг.
- У ҳозир тушликда, Люба эса аллақачон келган.

Фойдали маслаҳатлар

- Йод доғини кетказиш учун ўша жойни аввал намлаб, кейин устидан крахмал сепиб қўйинг. Натижа кўнгилдагидек бўлмаса, бир неча марта такрорлаш лозим.
- Занглаган пичоққа ўсимлик мойи суртиб, 30 дақиқадан кейин қуригунча артсангиз, яна асл ҳолига қайтади.
- Янги жинсини юмшатиш учун сувга ярим стакан туз қўшиб, ивитиб қўйиш керак.
- Дарахт рангига бўялган эшик ва ромлар аччиқ дамланган чой билан ювилса, ялтирайди.

<h1>Xabar</h1> <p>МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ</p> <p>Бош муҳаррир: Абдусайд КҶЧИМОВ</p>		<p>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Ҳаким МУҲИТДИНОВ (Ҳайъат раиси), Асаджон ХҶЖАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Суван НАҶБИДДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Содиқжон ҚОСИМОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p> <p>Тахририятга келган кўлэзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин. Наширимиздан кўчириб босилганда “Хабар”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Тижорий материал — ● Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.</p>		<p>МАНЗИЛИМИЗ:</p> <p>100043, Тошкент, Буёқдор шоҳқўчаси, 8-йй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz</p> <p><i>Обуна индекси — 228.</i></p> <p>Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БҶРИЕВ. Навбатчи: Лутфилло ТУРСУНОВ.</p>										
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.</p>		<p>Газета ҳафтанинг жума куни чиқади</p>		<p>“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.</p>		<p>G-902 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 10222 нусха.</p>		<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.</p>						
<p>Вилоят муҳбирлари:</p>		<p>Андижонда 226-47-80</p>	<p>Бухорода 223-27-85</p>	<p>Гулистонда 40-12-19</p>	<p>Жиззахда 226-06-34</p>	<p>Навоида 225-91-10</p>	<p>Наманганда 226-61-85</p>	<p>Нукусада 554-35-45</p>	<p>Самарқандда 233-61-81</p>	<p>Термизда 224-06-12</p>	<p>Тошкентда 288-40-66</p>	<p>Урганчда 226-37-16</p>	<p>Фарғонада 286-87-71</p>	<p>Қаршида 314-08-99</p>